

Рост бўлса қарз, бўлмаса садақа



07:10 / 07.05.2019 1767

Авзойи айтиди: «Билол ибн Саъднинг ўғли Константинополда вафот этди. Бир киши унинг йигирма неча дирҳам қарзи борлигини даъво қилиб келди. Билол унга: «Ҳужжатинг борми?» деди. «Йўқ», деди ҳалиги киши. «Бўлмаса қарз ёзилган бирон нарса бордир?» деди Билол. Ундай нарса ҳам йўқ экан. Охири Билол даъвогарга «Қасам ичасанми?» деди. У «Ҳа» деб, қасам ичди. Унинг қасамидан сўнг Билол ибн Саъд уйига кириб, бир неча динар олиб чиқди ва даъвогарга шундай деди: «Агар рост айтган бўлсанг, ўғлимнинг қарзини адо қилдим. Агар ёлғончи бўлиб чиқсанг, бу сенга садақа».

«Солиҳлар гулшани» китобидан